

2020 йилнинг 1 июлидан 200 сўмлик ва 500 сўмлик банкноталар (қоғоз пуллар) қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотганлиги, уларнинг ўрнига 200 ва 500 сўмлик тангалар доимий равишда муомалага чиқариб борилаётганлиги маълум қилинган эди.

ЭСКИ БАНКНОТЛАРНИ АЛМАШТИРИБ ОЛИНГ

Шунингдек, 200 ва 500 сўмлик банкноталарни банк кассаларида алмаштириб олиш муддати аҳолининг талаб ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда узайтирилгани ҳақида ахборот берилган.

Марказий банк бошқарувининг 2021 йил 9 январдаги йиғилишида эски намунадаги 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотлар ва тангаларни Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан амалдаги



пул белгиларига алмаштириб беришнинг охириги муддати — 2022 йил 1 январь этиб белгиланган.



АСОСИЙ ФОИЗ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг асосий фоиз ставкаси йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қарори юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Молиявий секторни ислох қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жаҳон банки экспертларининг техник қўмағида инновацион SupTech технологиялари ва ечимлари билан ўзининг назорат тизими имкониятларини кенгайтириш учун кўп босқичли трансформация дастурини бошлади.

НАЗОРАТ ТИЗИМИДА SUPTECH ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

SupTech маълумотларни тезкор ва йирик миқдорда қайта ишлаш, жараёнларни автоматлаштириш ва оптималлаштириш, асосий рискларни таҳлил қилиш ва тенденцияларни аниқлаш орқали тартибга солувчиларга ички назорат жараёнларига ички назорат жараёнларига

рини молиявий секторнинг рақамли трансформациясига мос келадиган тарзда оптималлаштириш ва қайта ташкил этиш имконини берувчи технологиялар ва ечимларни ўз ичига олади. Узоқ муддатли истикболда SupTech ёр-

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ТИЗИМИ

Банк-молия соҳаси ривожини учун комплаенс-назорат олиб борилиши қанчалик долзарб аҳамиятга эга? Ушбу тизимни банк соҳасига татбиқ этиш орқали коррупция ҳолатларини камайтиришга эришиш мумкинми?



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, БМТнинг тараққиёт дастури, КРМГ ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда айнан шу саволлар муҳокама марказида бўлди. “Коррупцияга қарши комплаенс тизимини банк соҳасига татбиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари” мавзусига бағишланган семинарда Марказий банк ходимлари ҳамда тижорат банкларининг раҳбар ва комплаенс-назорат тизимида фаолият юритувчи мутахассислари иштирок этди. Тадбирда комплаенс-назорат тизимини ташкил этишдаги долзарб масалалар, ушбу тизимни банк соҳасига жорий қилиш жараёнида хорижий тажриба ва халқаро стандартлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

дамида трансформациянинг амалга оширилиши молия соҳасидаги бошқа ислохотлар билан биргаликда Марказий банкка инклюзивлик, инновация, самардорлик ва барқарор иқтисодий ўсишга асосланган ишончли молиявий тизимни ривожлантириш бўйича стратегик максadларга эришишда ёрдам беради.

ЕРНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Радиоактив емирилиш қонунларини ўрганиш тадқиқотчиларига Ернинг ёшини аниқ ҳисоблашнинг ишончли услубини берди. Радиоактив минералларни таҳлил қилиш, Ернинг ёши 1500 миллион йилдан кам бўлмаслигини кўрсатади.

ҚУЁШНИНГ ҲАРОРАТИ ҚАНЧА?

Қуёш юзининг ҳарорати 6000 градус, ичидаги ҳарорат эса 15000000 градус. Унда термоядро реакцияси бўлиб туради. Гелий элементи водородга айланиб туради ва аксинча водород гелийга айланади. У ҳар йили 6,2.1016 киловатт энергия беради.



Ўқинг, бу- қизик

ЭЛЕКТР СИМИГА ҚўНГАН ҚУШЛАР НЕГА НОБУД БўЛМАЙДИ?

Симга қўнган қушларнинг таъсири электр тармоғидек бўлади, бу тармоқнинг қаршилиги иккинчи тармоқнинг қаршилигига нисбатан жуда катта бўлади. Шунинг учун бу тармоқдаги (қушларнинг танасидаги) ток жуда кам бўлиб, қушга зарар келтирмайди. Аммо симда турган қушнинг қаноти, думи ёки тумшуги тегса, умуман қандай қилиб бўлмасин, у орқали ерга ток ўтса, бундай ток қушни кўз очиб юмгунча нобуд қилади.



2021 йил, май

БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР



ҚАРЗДОРЛИКНИ ТўЛАШДА ЭЪТИБОРЛИ БўЛИНГ

Кейинги пайтларда айрим фуқаролар томонидан кредит тўловларини амалга оширишда пул маблағларини банк кассаларига топширмасдан, нақд шаклда банк ходимининг қўлига бериш ёки банк картаси орқали банк ҳисобварағига эмас, балки, банк ходими томонидан кўрсатилган (ўзининг ёки бошқа шахсларнинг) картага ўтказиб бериш ҳолатлари кузатилмоқда.

Қайд этиш жоизки, қарз олувчи томонидан ҳеч қандай хужжатларсиз ва оғзаки келишув асосида пул маблағларини бошқа шахсларнинг қўлига топширилиши ёки банк картасига ўтказилиши, юридик жиҳатдан, қарз

олувчининг банк олдидаги кредит мажбуриятлари бажарилганлигини аниқламайди. Аксинча, кредит тўлови учун бошқа шахсларнинг қўлига топширилган ёки банк картасига ўтказиб берилган ушбу маблағлар кейинчалик банкка қирим қилинмаса, банк билан қарз олувчи ўртасида турли низолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш хизмати кредит тўловларини исталган тижорат банкининг касса бўлинмаси орқали ёки масофадан туриб банклар ва бошқа тўлов ташкилотларининг мобиль иловаларидан фойдаланган ҳолда, кредит (қарз) берган банкнинг ҳисобварағига тўғридан-тўғри амалга оширилиши тавсия этади.

Фуқаролар томонидан мазкур тавсияларга амал қилиниши келгусида кредит тўловларини тўланишида юзага келиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

ГАРОВ ҲАҚИДА ЯНГИ ШАРТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорининг



37-5 бандига қўра, банк кредит бўйича тузиладиган гаров шартномасида банкнинг гаров таъминотида қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қопланмаган қисмидан ортиқ суммада гаров таъминоти суммасини камайтириш билан боғлиқ қарз олувчининг ҳуқуқини, шунингдек, гаров таъминоти суммасини камайтириш тартиби ва усулларини акс эттириши шартлиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Ушбу низомнинг 3030-3 сонли ўзгаришида кредитларни тўлиқ тўламагунга қадар гаровни ўзгартириш тақиқланганлиги ҳақида хабар берилган. Энди эса кредит қисман тўлангач, гаровнинг кредит қолдиғидан ортган қисмини, қисман тақиқдан чиқариш мумкин бўлади. Бу кредит шартномасида кўрсатилган бўлса, албатта.

ПУЛИНГИЗНИ ФИРИБГАРЛАРДАН ЭЪТИЁТ ҚИЛИНГ

га қарамай, фуқаролар орасида фирибгарларнинг психологик таъсирига тушиб, алданиб қолиш ҳолатлари учрамоқда.

Телефонингизга келган банк карталари билан боғлиқ бир марталик юборилган SMS-кодни, расмий манбалар орқали доимий огоҳлантиришлар бериб борилмоқда. Шун-

мобиль иловаларига кириш ҳуқуқини берувчи логин ва паролларни ҳеч кимга айтмаслик зарур. Улар сиздан олган маълумотлар (SMS – код, логин ва пароль ва ҳ.к.) орқали банк картангиздаги пул маблағларини кўчириб олиш ёки сизнинг рухсатингизсиз бошқариш имконини қўлга киритади.

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСЛАРИ ОПТИМАЛЛАШТИРИЛДИ

“Hamkorbank” АТБ Бошқарув банк хизматлар офислари-нинг молиявий кўрсаткичлари, “Богдод” банк хизматлари йиғилишининг 11 май кунги 246-сонли ҳамда 24 май кунги 275-сонли мажлис баёнларида бино майдонининг тегишли талабларга мос келиши Тугатилган банк хизмат-асосан, банкнинг оптималлаш-ҳамда ҳудуднинг иқтисодий лари офислари ходимлари фи-тириш ва марказлаштириш салоҳиятини инобатга олиб, лиалдаги бўш лавозимларга стратегиясидан келиб чиқиб, Қарши филиалининг “Автобе-ўтказилиши белгиланди.

ЯНГИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИ!

“Global money week” — Умумжаҳон пул ҳафталиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда “Hamkorbank” АТБ умумтаълим мактаблари ўртасида молиявий саводхонликни оширишга қаратилган очик дарсларни ўтказиш юзасидан танлов эълон қилган эди.



АНДИЖОНДА “GLOBAL MONEY WEEK” — УМУМЖАҲОН ПУЛ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирнинг бош мақсади — эртамир эгалари-ни кичик ёшдан пул билан муомалада бўлишга ўргатиш, пулни тежаш, ундан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш. Танловда информати-



ка, математика, хорижий тиллар, меҳнат, иқтисодиёт фани ўқитувчилари иштирок этдилар. Очик дарслар 5-11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Такдим этилган видеоролик ва ижодий ишлар ўрганилди.

Андижон шаҳрида жойлашган 35-давлат ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси Муаттар Нишонова “Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши дарс” танловининг ғолиби деб топилди. Маҳоратли педагог диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўқувчилар учун банкка саёҳат уюштирилди. Ўтиборли жихати, тарғибот анжуманларида фаол иштирок этганларнинг барчасига банкнинг эсдалик совғалари, “Global money week” — Умумжаҳон пул ҳафталиги муносабати билан тайёрланган тарқатма материаллар такдим этилди.

СИЗГА, АЛБАТТА, ОМАД КУЛИШ БОҚАДИ!



“Hamkorbank” ва Visa биргаликда совғалар улашади” акцияси давом этмоқда.

Ғолиблар рўйхатига киришга улгурмаганларга яна бир имконият такдим этамиз.

Visa Classic (Exchange) картасини бепул расмийлаштиринг, 5 АҚШ доллари ёки ундан ортиқ харидларни амалга оширинг ва акция иштирокчисига айланинг!

Акция 1 июлгача давом этади. Шошилинг, яқин кунларда навбатдаги 6 та смартфон ўйини ўтказилади.

Барчага омад тилаймиз!

“HAMKORBANK” — 30 ЙИЛ СИЗ БИЛАН БИРГА!

“HAMKORBANK” — “БАНК ХИЗМАТЛАРИ” ТОИФАСИДА ЭНГ ЯХШИ БАНК ДЕБ ТОПИЛДИ!

Ўзбекистон Республикаси Монополия-га қарши курашиш қўмитаси ва Миллий маркетинг маркази томонидан ташкил этилган “Йил бренди — 2020” танловида “Hamkorbank” “Банк хизматлари” тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Истеъмолчиларнинг танлови “Hamkorbank” мустаҳкам асос, бебаҳо кадрлар такдим этилаётган хизматларнинг аъло сифати-га эга бренд бўлиб шаклланганлигини яққол намоён этмоқда.

Бизга ўз овозини берган истеъмолчиларнинг барчасига миннатдорчилик билдирамиз. Сизнинг овозингиз — биз учун рағбат. Бундан кейин ҳам хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ҳамда инновацион банк хизматлари ва маҳсулотларини такдим этиш бо-расида намунали иш олиб борамиз. Асосийси, бу эътироф янги марраларни забт этишда бизга илҳом бағишлайди.

Биз билан бирга эканлигингиз учун раҳмат!



ТЎНҒИЧ ТАРМОҚНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОСИ

Шаҳрихон филиали олаётган фойдани сифатли бошқаришга ҳаракат қиладиган ва ходимлар сиёсатини оқилона юргизадиган жамоа сифатида танилган. 27 йиллик тарихга бу банк муассасаси ҳақида мана шундай таъриф бериш мумкин: тажриба мактаби, йирик даромад келтирувчи ва тўғри йўлдаги.

Ўтган йиллар давомида бу муассасада банк иши билан боғлиқ катта тажриба мактаби шаклланди. Шаҳрихонда иш бошлаб, касб малакасини ошириб, бошқа тармоқларга ўтган ходимлар кўпчиликни ташкил қилади. Филиалдан етишиб чиққан 20 дан ортиқ ходим ҳозирда бош банкда масъул лавозимларда, филиалларда бошқарувчи сифатида фаолият юритмоқда.

Банк 3-гуруҳ филиаллари қаторида турса ҳам берадиган фойдаси кичкина эмас. 2020 йилни 12 миллиард сўм соф фойда билан якунлади. Бу йил ҳам зиммасига катта режа кўрсаткичи қўйилган.

Ютуқлар ўз-ўзидан бўлмади. Танланган тўғри йўл ҳар қандай мақсадга элтувчи маёқдир. Илк фаолиятиданоқ қадамнинг тўғри қўйилгани, ходимларнинг салоҳиятига қараб ўринли жойлаштирилганлиги, олинган фой-



данинг сифатли бошқариб келин-гани ва криминал ҳолатларга йўл қўйилмагани — буларнинг барчаси филиал муваффақиятининг ғаровидир.

Бугун мана шундай забардаст ва тўнғич тармоқнинг ҳал қилиниши муҳим бўлган бир муаммоси бор. Яъни банк биносининг ноқулай ҳудудда жойлашганлиги ва стандартлар талабига жавоб бермай қолаётганидир. Чунки бино банк

учун мўлжалланмаган. Бўлимлар ҳар томонга сочилиб кетган. Катта Асака йўли бўйида жойлашгани учун автомашиналар қатнови жуда тизиг. Бу эса кўчанинг у юзи-

дан бу юзига ўтиш учун ҳам анча вақт талаб қилади. Бино атрофида автомашиналарни қўйиш учун жой йўқ. Мана шу ҳолатлар мижозларнинг ташрифига тўсқинлик қилмоқда. Шундай экан, катта иш ҳажмига эга филиални замонавий қулайликлари мавжуд, стандартларга жавоб берадиган янги бинога кўчириш вақти келди.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.

“Hamkorbank” АТБ нинг Фарғона минтақавий филиалига қарашли “Қирғули” банк хизматлар офиси 2020 йилда ташкил қилинган. Илк фаолиятини 5 нафар ходим билан бошлашига қарамай бугун катта ютуқларга эришди. Айни пайтда изланувчан, ўз ишини сидқидилдан бажарадиган 8 нафар ходим меҳнат қилмоқда.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ



Ўтган йили белгиланган режадан 1 миллиард 315 миллиондан ортиқ соф фойда олинди, кўрсаткич эса 274 фоизга етказилди. Ютуқлар замирида БХО бошлиғи Алишер Ўрмонов ҳамда унинг сафдошларининг самарали меҳнатлари ётибди.

Банк хизматлар офисида ҳозирда 120 дан ортиқ юридик, 2000 га яқин жисмоний мақомга эга мижозлар бор. Айниқса, “Temur Oltiariq Servis” МЧЖ, “Ferkon tekstayl” хусусий корхонаси, “Fergana International Trans” ҳамда “Oltiariq Trans Agro Eksport” масъулияти чекланган жамиятларининг ривожланишида “Қирғули” БХОнинг молиявий хизматлари катта.

— Жорий йил якунлангани йўқ, аммо кичик молия офисининг соф фойдаси 958.0 млн. сўмдан ортди. Бу 4 ой давомида жуда катта кўрсаткич, — дейди Алишер Ўрмонов.

Фарғона минтақавий филиалида бажариладиган барча банк хизматлари амалга ошириладиган мўъжазгина банк хизматлари офисида биргина банк-матлардан олинладиган даромад бўйича республикада 1-ўринда туриши ходимларнинг хизматлари натижа-сидир.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.